

THE MANIFESTATION OF LEGAL AWARENESS IN THE SPIRITUAL FOUNDATIONS OF CIVIL SOCIETY

Dostmurod Norkulov

Professor of Tashkent State Medical University

Abstract

This article is devoted to the study of the issue of the manifestation of legal awareness in the spiritual renewal of society. This article provides a comparative analysis of the issue of Eastern and Western democracy and studies the fact that Eastern democracy is an expression of the development of legal awareness. The role of legal awareness in the spiritual renewal and spiritual elevation of the renewing Uzbek society, the specific features of its manifestation are shown.

Keywords: Civil society, law, legal awareness, legal culture, spirituality, spiritual foundations.

Introduction

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ МАЪНАВИЙ НЕГИЗЛАРИДА ХУҚУҚИЙ ОНГНИНГ НАМОЁН БЎЛИШИ

Дўстмурод Норкулов

Тошкент давлат тиббиёт университети профессори

Аннотация

Мазкур мақола жамиятни маънавий янгиланишида ҳуқуқий онгнинг намоён бўлиши масаласини ўрганишга бағишланган, ушбу мақолада Шарқона ва Ғарб демократияси масаласини қиёсий таҳлил қилинган ҳамда Шарқона демократия ҳуқуқий онгнинг ривожини ифодаси эканлиги ўрганилган. Янгиланаётган Ўзбекистон жамиятининг маънавий янгиланишида ва маънавий юксалишида ҳуқуқий онгнинг ўрни, уни намоён бўлишининг ўзига хос хусусиятлари кўрсатиб берилган.

Калит сўзлар: Фуқаролик жамияти, ҳуқуқ, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданият, маънавият, маънавий негизлар.

Фуқаролик жамияти қуришнинг маънавий негизларида ҳуқуқий онгнинг намоён бўлиши у ёки бу ҳуқуқий норма, қонуний актларни ишлаб чиқишни, амалиётда қўллаш билан боғлиқ ҳуқуқий ҳаётнинг турли хил жиҳатларини ҳам акс эттиради. Бу, биринчидан, фуқаролик жамиятида ҳақиқий маънавий кадриятларни муносиб баҳолаш имконини берса, иккинчидан, жамият маънавий негизларини тегишли қонуний асосга қўйишга, дунёнинг демократик умуминсоний кадриятларини миллий - маънавий негизлар билан уйғунлигини таъминлашга хизмат қилади.

Демократик тараққиёт кадриятлари, тамойиллари ва меъёрлари тобора ҳаммабоп бўлиб бормоқда. Эндиликда уларнинг зарурлиги ва амалий таъсирини инкор этиб бўлмайди. Шу билан бирга демократия ва тараққиёт томон боришнинг ўзига хос йўллари борган сари катта роль ўйнамоқда. Мураккаблашиб бораётган кўп қутбли дунёдаги шу каби сиёсий ва



иқтисодий ўзгаришлар ривожланишни бевосита ва билвосита белгилаб боради. Борган сари очиклик, демократик тамойилларга, умуминсоний қадриятлар ва меъёрларга содиқлик сиёсати республика ижтимоий ҳаётини демократлаштириш жараёнларида ўз изини қолдирмоқда. Шунингдек, бу ўзгаришларнинг жаҳон ҳамжамияти кўз ўнгида идрок қилинишига ҳам таъсир кўрсатмоқда. Бу республиканинг ҳозирги обрў-эътиборини шакллантирмоқда. Халқаро ҳамжамият Ўзбекистоннинг амалга ошираётган изчил ташқи ва ички сиёсатини Марказий Осиё минтақасидаги вазиятни барқарорлаштиришда ҳамда кескинликни кенг тарқалишининг олдини олишдаги кучайиб бораётган ролини борган сари кўпроқ англамоқда.

Демократик тамойиллар, қадриятлар ва институтлар ҳаётимизнинг барча соҳаларига тобора кўпроқ кириб бормоқда. Ўзбекистон ва минтақадаги шароитларда ўз мазмунига эга бўлмоқда. Жамиятнинг ижтимоий-сиёсий соҳасида демократик институтларни шакллантириш сиёсий тизимни ислоҳ қилишга ва ижтимоий ҳаётни демократиялаш жараёнларига жўшқинлик бахш этишга қаратилган. Янада муҳими бу иш ислоҳотларнинг самарали боришига йўналтирилганлигидир.

Биринчи навбатда, жамиятда мавжуд манфаатлар ва муносабатларни мужассам ҳолда ифодаловчи ижтимоий-сиёсий институт бўлмоғи лозим бўлган демократик ҳуқуқий давлатнинг қарор топиш жараёнини кўрсатиб ўтиш даркор. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси мамлакатни демократик йўлдан ривожлантиришнинг ҳуқуқий қафолатидир. Аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш инсоннинг бош манфаати ўзининг эркинлигини рўёбга чиқаришга хизмат қилади.

Ҳуқуқий онгда у ёки бу ҳуқуқий норма ва қонуний актларни ишлаб чиқиш ва амалиётда қўллаш билан боғлиқ жамият ҳуқуқий ҳаётининг турли хил жиҳатлари акс этади. Бу мамлакатнинг стратегик йўлини, бош мақсадини ўзида ифода этади. Ҳамда умумэътироф этилган тамойилларни ҳисобга олиш билан бирга, ҳар бир халқнинг миллий-маданий мероси ва қадриятларига таянган ҳолда миллий демократик таракқиёт йўлидан ривожланиш билан боғлиқ ҳодисадир. Унда фуқаролик жамиятининг миллий-маданий негизларига таяниш умумий қонуниятдир. Халқнинг маданий ҳаёти ҳам муайян қонуний актлар орқали мувофиқлаштирилади.

Асосий қонуннинг демократик жамиятни қарор топишига кўшган жуда катта ҳиссаси шундан иборатки, у мавҳум жамият ёки умуман халқнинг эмас, балки муайян инсоннинг эҳтиёжлари, ҳуқуқ ва эркинликларига қаратилганидир. Конституция инсонни энг катта бойлик сифатида кўрсатгани ҳолда фуқаро, жамият ва давлат ўртасидаги ўзаро муносабатларни оқилона ҳуқуқий ҳал этишни расмийлаштиради. Конституциявий меъёрлар ва қонунларнинг устуворлиги, улар инсон манфаатини кўзлаб иш тутишига ва шу доирада ижтимоий ўзаро муносабатларни мақбул ҳолга келтиришга йўналтирилганлиги мамлакатда барқарорликни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашнинг, фуқаролик жамияти асосларини қарор топтиришнинг асосий омилдир.

Ўзбек халқининг азалий орзу-интилишларидан энг асосийси демократик жамият барпо этишдан иборат. Бу унинг кўп асрлик маданий меросида яққол акс этган. Халқ тарихи ҳуқуқий онгининг ривожланиш тарихи ҳамдир. Ҳуқуқий онг инсоннинг ўз ҳуқуқ ва эркинликлари, манфаатларини англаш, унга амал қилиш масъулияти ва мажбуриятларининг қонуний асослари билан боғлиқ тасавурлари, қарашлари, билимлари мажмуидир. Бу



хукукий онгнинг моҳиятини англашга ёрдам беради. Хукукий онг ривожига эса жамиятнинг маънавий янгилашишида муҳим ўрин тутади.

Маълумки, демократик жамият куриш учун аввало демократиянинг моҳиятини равшан англамоқ муҳим. Шундан келиб чиққан ҳолда жаҳонда демократияни амалга оширишнинг икки усули: бевосита ва вакиллик демократияси мавжуд. Шу жиҳатдан, республикамизда сайловлар, сайлов якунларини аниқлаш усули, тенг ҳуқуқлилиқ, фикрлар эркинлиги, кўп партиявийлик, ўзини бошқариш тамойилларига амал қилинмоқда.

Демократиянинг асосий, умумий белгилари билан бир қаторда ҳар бир давлат ва жамиятга хос бўлган хусусиятлари ҳам мавжуд. Дунёда бир-бирига айнан ўхшайдиган, бир хилдаги демократик давлат мавжуд эмас. Баъзи сиёсатшунослар Шарқ ва Ғарб демократияси ўртасида фарқ йўқ, демократия ҳамма ерда бирдай бўлиши ҳақидаги тушунчалар назарий ва амалий жиҳатдан иотўғридир. Ҳаттоки, Ғарб ва Шарқ демократиясинигина эмас АҚШ, Англия, Франция, Германия ва бошқа давлатлар демократиясини таққослаганимизда ҳам унинг ўзига хос белгиларини кўришимиз мумкин. Ҳар бир давлат демократиясининг ўз хусусиятлари, белгилари, асослари, тамойиллари бўлиши табиий. Европа олимлари Шарқ давлатчилиги ҳақида гапирганда, уни мутлоқ яққа ҳокимлик ва зўравонликка асосланган, ҳеч қандай демократия белгилари бўлмаган давлат, деб таърифлайдилар. Бу нарсани Шарқ халқларининг табиатидан келиб чиқади, деб ҳисобламоқчи бўладилар. Чунки, Шарқликлар итоатгўйликни яхши кўрадилар, уларда ўзини ўзи бошқариш тартиб қоидалари шаклланмаган, деб таъкидлайдилар. Европача демократияни кўр-кўрона кўчириб олиш қанчалик хато бўлса, Шарқда демократия анъаналари йўқ эди ва шунинг учун уни бу ерда ўрнатиш мумкин эмас, деб ҳисобловчиларнинг фикрлари ҳам асоссиз ва хато эканлиги шубҳасиз.

Маълумки, Европада ёки Американинг ўзида ҳам демократия аввалдан мавжуд бўлган эмас. Демократия ҳақидаги тушунча ва биринчи демократик давлат шакли эрампдан олдинги минг йиллик ўрталарида Юнонистонда пайдо бўлган. Кейин Рим республикасида ривожланди. Демократиянинг ўзи жамиятда қарор топгунча у ҳақидаги қарашлар ва ғоялар мавжуд бўлган. Бундай ғоялар Шарқда ҳам кенг ривож топган. Бундан ташқари, бизда жуда қадим замонлардан бошлаб жамиятнинг турли босқичларида ўзини ўзи бошқариш институтлари (анъаналари) давом этиб келган, жамоа раҳбарлари, ҳокимлар, амирлар ва оқсоқолларни кейинчалик эса қозиларни сайлаш тартиби жорий қилинган. Шарқ ва Ғарб демократиясининг фарқли хусусиятлари жамият маънавий негизлари асосидир. Шарқда ижтимоий жараёнларнинг босқичма-босқич кечишига мойиллик бор. Фалсафа ва қонун тўғрисида, ҳуқуқ билан дахлдор жиҳатларини ҳам ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ. Қадимдан фалсафа ҳуқуқ билан узвий боғлиқ бўлган. Бу ҳуқуқ фанини, ҳуқуқшуносликнинг фалсафа билан боғлиқлигини кўрсатади

Шарқ минтақасидаги демократик ҳаракатларга, шунингдек, А. Темур ва темурийлар давридаги демократик жараёнлар, Шарқ мутафаккирларининг бу масалага қарашлари ҳам ўзига хос. Республикамизда амалга оширилаётган ислохотларда аҳолининг хукукий онгидаги ўзгаришлар у билан ҳамохангдир. [1. - 52 б.]

Айни вақтда инсонларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини камситилишига йўл қўймайди. Яъни эркинлик ва қонунга бўйсуниб бир вақтнинг ўзида амал қилади, бир-бирини тўлдиради ва



бир-бирини тақозо этади. Бошқача айтганда, қонунлар инсон ва фуқаронинг ҳуқуқларини кафолатлайди, Шунинг баробарида барча одамлар қонунларга сўзсиз риоя қилишлари шарт. Янгилаётган Ўзбекистон шароитида фуқароларнинг сиёсий манфаатларини рўёбга чиқариш учун ҳамма ҳуқуқий, демократик шарт - шароитлар яратилган бўлса, аҳолининг ўзи ихтиёрий равишда, профессионал асосда мамлакатнинг сиёсий ҳаётида тобора кенг иштирок этади. Ишонч билан айтиш мумкинки, Ўзбекистонда фуқароларнинг сиёсий ҳаётда иштирок этишидек бу демократик жараён тобора кучайиб бормоқда. Фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш жараёни юз бераётган бир пайтда Ўзбекистон аҳолиси турли қатламларининг манфаатларини ифода этиши лозим бўлган кенг тармоқли кўппартияли тизим каби демократик институтлар ҳамда бошқа жамоат ташкилотларининг қарор топиши ҳам муайян аҳамият касб этмоқда. Шу жиҳатдад олганда давлатнинг бош ислохотчилик роли сиёсий партиялар ва жамоатчилик ҳаракатларининг вужудга келиши, қарор топиши ва ривожланишини секинлаштириб қўядиган ҳар қандай ғов ва тўсиқларни бартараф этишдан иборатдир. Зеро, сиёсий партияларсиз ва жамоатчилик ҳаракатларисиз республикада вакиллик демократиясини тасаввур қилиб бўлмайди. Шу билан бирга демократиянинг сифати партиялар сонининг кўп бўлиши билан белгиланмаслигини ҳам ёдда тутиш даркор. Ҳақиқатан ҳам кенг ижтимоий гуруҳларнинг манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилишга, кодир бўлган сиёсий партиялар учун нормал миқёсий макон яратиш муҳимдир. Партияларнинг пайдо бўлиши, уларнинг сони, дастурий йўл- йўриқларининг ўзига хослиги эса ижтимоий манфаатлар орқали табиий йўл билан белгиланмоғи керак. Сиёсий партиялар мавжуд бўлишининг асосий ва бирдан-бир принципи давлатнинг конституциявий меъёрларини ҳурмат қилиш, уларга риоя этишдан иборат бўлмоғи лозим. Жамиятни босқичма-босқич ислоҳ қилиб бориш сиёсий тизимнинг турли субъектлари ҳаракатида изчиллик бўлишини таъминлаш имконини беради. Давлат бош ислохотчи сифатида ўз вазифаларини бажарар экан, ижтимоий манфаатларни пухта ўйлаб табақалаш тизими ҳамда босқичма- босқич уйғун рўёбга чиқариш мақсадида шакллантирилаётган демократик институтлар ва фуқаролик жамияти элементлари имкониятларини кўпайтиришга ҳар жиҳатдан кўмак бермоқда. Ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва социал алоқалар мақбул тарзда амал қилинишини йўлга қўйишга барча чоралар билан ёрдам беришда умуминсоний тамойиллар ва меъёрларни, бутун дунёда чуқур илдиз отган демократик кадриятларни ўрганмай, улардан фойдаланмай туриб, демократик институтларни шакллантириш, фуқаролик жамиятининг асосларини яратиш мумкин эмас. Инсоният минг йиллар мобайнида ишлаб чиққан демократик кадриятларни тўла-тўқис ўзлаштириб олиш жамиятда ислохотларни чуқурлаштиришнинг муҳим шартидир. Умумий тарзда демократия деганда ҳамманинг манфаатлари йўлида кўпчиликнинг ҳокимияти ва озчиликнинг хоҳиш иродасини ҳурмат қилишни тушуниш мумкин. Батафсил таҳлил қилинганда эса демократия - халқнинг ўз эркинлиги ва мустақиллигига қарашлари ҳам, ҳар бир шахснинг эркинликлари, ҳуқуқларини ўзбошимчалик билан чеклашлар ва шу йўсиндаги ҳаракатларни ҳимоя қилиш ҳам, фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш шакли ҳам эканлиги аён бўлади. Демократия атамасининг қандай шарҳланиши эмас, балки унинг қанчалик реаллиги, ҳақиқийлиги, яшашга қобиллиги муҳим. Бинобарин, биз ўз истагимиздаги демократияга қандай мазмун бахш этмайлик, агар у ҳаётимизнинг ҳар бир сониясига сингиб кетмаса, турмушимизнинг ажралмас қисмига айланмаса, ҳамма ишлар ва таърифлар ҳеч нарсани



англатмайдиган сўз ўйини бўлиб қолаверади. Бундан ташқари, бизнингча, ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий жиҳатдан тайёр бўлмаган заминда демократиянинг барча тамойилларига эркин сайловга, сўз эркинлиги, уюшмалар йиғилишлар эркинлиги ва шу кабиларга «яшил йўл» очиб берсак, ҳақиқий демократияни бўғиб қўйиш хавфи юзага келиши ҳам мумкин. [2. 156-бет.]

Демократик ислохотлар фуқаролар ҳуқуқини ҳимоя қилишни талаб даражасида кафолатлаб, ҳуқуқий механизмларни, юксак ҳуқуқий онгни янада такомиллаштиришни тақозо этмоқда, Фуқаролар ҳуқуқларини рўёбга чиқаришнинг халқаро ҳуқуқий ва мамлакатда яратилган асослари мавжуд. Умумий эътироф этилган демократик тараққиёт қадриятлари, тамойиллари ва меъёрлари тобора ҳаётга сингиб бормоқда. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 январь ПФ-5618-сон Фармонида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 декабрдаги ПҚ-4551-сон “Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш, бу борада жамоатчилик назоратини кучайтириш ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 18 сентябрдаги 588-сон “2024-2025 йилларда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарорида қонун устуворлигини таъминлашнинг энг муҳим йўналишлари белгилаб берилди.

Борган сари очиклик, демократик тамойилларга, умуминсоний қадриятлар ва меъёрларга мансублик ижтимоий ҳаётни демократлаштириш жараёнларида ўз изини қолдирмоқда. Бу ўзгаришларнинг жаҳон ҳамжамяти кўз ўнгида идрок қилинишига ҳам таъсир қўрсатмоқда. Фуқароларнинг сиёсий манфаатларини рўёбга чиқариш учун ҳамма ҳуқуқий демократик шарт-шароитлар яратилган бўлса, аҳолининг ўзи ихтиёрий равишда профессионал асосда мамлакатнинг сиёсий ҳаётида тобора кенг иштирок этади.

Жамиятнинг маънавий янгиланишида ҳуқуқий онгнинг юксалиши босқичма-босқич таъминлаб борилади. Инсоннинг барча ҳуқуқлари давлат ишларини юритишда қатнашиши, эътиқод эркинлиги, йиғилишлар, уюшмалар эркинлиги ва шу каби ҳуқуқлар ҳавода муаллақ бўлиб қолаверади. Яъни аниқ йўлга қўйилган қонун тизими бўлмас экан, демократия ҳам бўлмайди. Янгиланаётган Ўзбекистонда фуқаролик жамияти қуриш жараёнида, унинг маънавий негизлардаги янгиланишлар халқимизнинг миллий маданий мероси ва қадриятларига таянган ҳолда инсон ҳуқуқ ва эркинлигига, уларнинг давлат ва жамият қурилишида фаол иштирок этиши билан боғлиқ. Фуқаролар ҳуқуқий онгининг юксалиб бориши, унинг негизларидаги ўзгаришлар орқали кечади. Миллий-маданий ўзгаришлар ва хусусиятларга мос Янги Ўзбекистоннинг конституциясини қабул қилиниши унинг энг муҳим асосидир. Иқтисодий, сиёсий ва энг аввало, ҳуқуқий макон тегишлича босқичма-босқич таъминлаб бормас экан, инсоннинг барча ҳуқуқлари давлат ишларини юритишда қатнашиши, эътиқод эркинлиги, йиғилишлар, уюшмалар эркинлиги ва шу каби ҳуқуқлар ҳавода муаллақ бўлиб қолаверади. Аниқ йўлга қўйилган қонун тизими бўлмас экан, демократия ҳам бўлмайди.

Шу билан бирга қонунларнинг ўзини қабул қилиш, ҳуқумат ва беистисно барча мансабдор шахсларнинг амалий саъй-ҳаракатлари айнан шу демократик мезонлар орқали ўтиши лозим. Қонунлар халқ томонидан чуқур ўрганилиб, ўзлаштирилиб ҳаётга татбиқ этилмаса, бизнингча, қуруқ қоғоздан бўлак нарсас эмас. Аҳолининг етарли даражада ҳуқуқий онга ва



хукукий маданиятга эга бўлиши буни таъминлайди. Бу жуда муҳим, чунки хукукий онг, хукукий маданият фуқаролик жамиятининг асосий таркибий қисмидир. Хукукий давлат эса шунчаки расмий қонунийликни билдирмайди, у инсон шахсини энг олий қадрият сифатида эътироф этишга ва тўла-тўқис қабул қилишга асосланган яхлит амал қилувчи тизимдир.

Республикамиз Президенти Ш.М.Мирзиёев “Янги Ўзбекистон стратегияси” асарида “Ҳозирги вақтда юртимизда ривожланган демократик давлат ва инсон ҳақ-хуқуқлари устувор бўлган фуқаролик жамиятини барпо этиш билан боғлиқ сиёсий фаолият ва ислохотлар жадал олиб борилмоқда” [3. 81-бет.] дейди.

Халқнинг маданиятидан жой ололмаган демократия турмуш тарзининг таркибий қисми ҳам бўла олмайди. Бу тайёргарлик кўриш ва демократия тамойилларини ўзлаштириш хукукий онгни ривожлантиришдан иборат анча узоқ муддатли жараёндир. Баъзи давлатларда бунга эришгунча кўплаб авлодлар яшаб ўтган. Жамиятни маънавий янгиланишини “эскича қараш ва ёндошувлар билан” амалга ошириб бўлмайди. Бу хукукий онгнинг қонуний асосига, унинг характери ва мазмуни тамойилларига ҳам бевосита тегишли.

Ўзбекистон ана шундай ривожланиш анъаналарига эга. Шу сабабли демократияга босқичма-босқич, мумкин қадар қисқа муддатда ўтиш ғоясининг стратегик аҳамияти фақат жамиятда барқарорликни сақлаб қолишдангина иборат эмас. У фуқаролик жамиятининг негизларини авайлаб сақлаш, бу жараёнда аҳоли хукукий онгининг ўрнини мустаҳкамлашдан ҳам иборатдир.

Хукукий онг ривожига мафкура ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Маълумки, мафкура соҳасида бўшлиқ, вакуум бўлмайди. Ўзбекистон халқларининг дунёқараши маънавий ва сиёсий-хукукий маданиятининг энг илғор анъаналари асосида ишлаб чиқиладиган миллий мустақиллик мафкураси индивидуализмнинг вайрон қилувчи таъсирига қаршилик кўрсатишга қодир.

Мафкуравий, хукукий-тарбиявий иш, мустақиллик, юксак маданият, ахлоқийлик, маданият ғояларини тарғиб қилиш ўткинчи ҳолга айланиб қолмаслиги керак. Хуқуқ, хукукий онг, ахлоқ ва маънавият бизнинг назаримизда, мавҳум категорияларга айланмаслиги, фақат ташвиқотчи ва тарбиячиларнинг иши бўлиб қолмаслиги лозим.

Юксак даражада ривожланган хукукий онгга, маданиятга эга бўлган фуқарони вояга етказиш ҳар бир инсоннинг бурчидир. Ҳозирги Янгиланаётган Ўзбекистонда эркин бозор иқтисодиётига асосланган демократик давлатни, фуқаролик жамиятини ва фуқароларнинг ўз-ўзини бошқаришини ривожланиши билан боғлиқ ҳолда келажагимизни қуриш учун ҳамма асосларга эгамиз.

Минтакамиз худудига асрлар мобайнида кўплаб цивилизацияларнинг равнақ топишига ҳисса қўшган миллий хукукий онгнинг барча хусусиятлари кириб келган XXI асрда Янгиланаётган Ўзбекистондаги улкан ўзгаришлар ҳамда янгиланишнинг пойдевори ва рағбатлантирувчи кучи бўлиб қолиши шубҳасиз. Жамият маънавий ҳаёти соҳалари, таълим тизими тубдан ислоҳ қилиниб, янги таълим соҳасига ўтилди. У жамият ижтимоий ҳаёти соҳаларидаги талаб ва эҳтиёжлар асосида ислоҳ этилди. Хуқуқшунос олим А.А.Азизхўжаев: “жамиятни демократлаштириш бу жуда мураккаб, кўп қиррали, айна пайтда изчилликни тақоза этадиган ижтимоий ҳодиса. Бу жараён бевосита мамлакат аҳолиси турли табақаси умумий онглик даражаси, сиёсий маданияти ва воқеяликка муносабати билан боғлиқ” [4. 16-бет.]. Жамият аъзоларини, хусусан ёшларнинг манфаатларини янада тўлиқ таъминлаш,



уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган норматив - ҳуқуқий базани такомиллаштириш масалалари алоҳида эътибор берилганини қайд этиш лозим.

Бу мамлакатда фуқаролик жамияти маънавий негизларини мустаҳкамлашга ва инсонлар ҳуқуқий онгининг ошишига хизмат қилади. Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш мумкин: биринчидан, фуқаролик жамияти миллий ва умуминсоний маънавий негизларга асосланади. Иккинчидан, мустақиллик фуқаролик жамияти қуриш қонуни ва тамойилларидан келиб чиққан ҳолда унинг янги қонуний асосларини яратиб беради. Қонунчиликда халқнинг миллий-маданий хусусиятлари, умумэътироф этилган демократик тамойиллар билан узвий боғлиқ ҳолда амалга оширилади. Учинчидан, нодемократик ҳуқуқий онг янги асосга, демократик талаб меъёрларига амал қилади. Бу фуқароларни янги ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятида намоён бўлади. Тўртинчидан, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятида инсон қадр-қиммати билан боғлиқ кадриятлар, қонун устуворлиги асосида жамият олдида масъулият ва мажбуриятни ҳис этиш маданияти ошиб боради.

Адабиётлар рўйхати

1. Каримов И. А. Ҳавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Асарлар 6-жилд.
2. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2021. 81-бет.
3. Назаров Қ. Жаҳон фалсафаси қомуси. 1-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, 2025.
4. Saidqosimov A. Huquqiy madaniyat va huquqiy tarbiya asoslari. – Toshkent: – 2021.
5. Норкулов Д.Т., Абдурахмонова Н.Х. Қишлоқ аҳолиси ҳуқуқий маданиятини юксалтириш: назария ва амалиёт. – Тошкент: “Voriz-nashriyot”, 2024.

